

БАХТИЁР ҲАЙДАРОВ

САФАР ОЛДИДАН САФАР



БАХТИЁР ҲАЙДАРОВ

**САФАР
ОЛДИДАН
САФАР**

Бадий публицистика

“ВЕКТОР — PRESS”
ТОШКЕНТ
2008

Тақризчилар:

М. Сатторов — *ёзувчи, филология фанлари номзоди, доцент;*
Г. Асилова — *педагогика фанлари номзоди.*

Шарқ донишмандлари инсон ҳаётини уч босқичга бўлиб, биринчи босқичида илм ўрганиш, ҳунар эгаллаш, иккинчи босқичида сафар-саёҳатлар қилиш, дунё кезиш, учинчи қисмида эса кўрган-кечирганларини ҳикоя қилиб, қоғозга туширишни маслаҳат беришган.

Публицист Бахтиёр Ҳайдаровнинг мазкур китоби бадиий-фалсафий асар бўлиб, муаллифнинг буюк бобоколониимиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари салтанати бўйлаб қилган илмий-иждодий сафарига бағишланган.

Ширали тил ва бадиий маҳорат билан ёзилган ушбу асар кенг китобхонлар оммасининг эътиборини қозонишига ишонамиз.

Бахтиёр Ҳайдаров.

Сафар олдидан сафар. Бадиий публицистика — Т.: «Vektor-Press», 2008. — 224 б.

X $\frac{4700000000-29}{343(08)-2008}$ - 2008

ISBN 978-9943-343-22-1

© Бахтиёр Ҳайдаров, 2008 й.

© «Vektor-Press», 2008 й.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Бутун башариятни бир томчи сувдан яратган, унга вужуду насл-насаб ато этган Ҳақ Субҳонаҳу ва таолога беадад ҳамду санолар бўлсин. Мусулмонларни Аллоҳ таолонинг раҳматидан ва марҳаматидан хабардор қилган, кофирларни Аллоҳнинг азобидан қўрқитиш учун юборилган пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламга, уларнинг саҳобаларига саловат ва саломлар бўлсин.

ЯХШИ СЎЗ

Инсон ҳаётининг мазмуни кўп жиҳатдан унинг ниятига боғлиқ. Истайсизми, йўқми, Сиз ўйлаш жараёнида ўз ҳаётингиз сценарийсининг муаллифига айланасиз. Шу кунгача ўтган ҳаётимда бунга кўп марта иқрор бўлдим. Болалиқда геолог бўлишни орзу қилардим. (“олтин топаман”, дердим). Географияга қизиқардим, олимпиадаларга ҳам борганман. Сўнгра сиёсий шарҳловчи бўлиш истаги пайдо бўлди. Раҳматли устозимиз Азизов домланинг дарсларидан кейин, ҳарбий бўлишга аҳд қилдим. Орзулар осмондек тиниқ, Қизилдарё суви-дек ширин бўларди. Уста Очилнинг қизиқ гапи бор: “Одам боласи оловдаги кўрғошиндай бўлиши керак, ундан ҳар қандай шакл ясаса бўлади”. Чиндан ҳам, болалиқ даврида инсонда исталган истеъдодни шакллантириш мумкин. Бу албатта, устознинг маҳоратига боғлиқ. Саккизинчи синфга қадар адабиёт мен учун “иккинчи даражали” фан эди. Иншо ёзиш — мушкул вазифа саналарди. Адабиёт домламиз Хушвақт Мейлиев келгач, муносабат бутунлай ўзгарди. Тез орада устознинг бетакрор дарсларини орзиқиб кутадиган бўлдик. Домла дарсда “Меҳробдан чаён”ни ўтаётиб, гоҳ Худоёрхон тилидан ҳайбат-ла гапирар, яна ўзи Мирзо Анвар бўлиб, мардона жавоб ҳам қайтарар эдилар. Натижа шу бўлдики, мактабни битириш арафасида аввалги орзуим — ҳарбий бўлиш истаги “иккинчи план”га ўтиб, унинг ўрнини журналистика деган жарангдор сўз эгаллади. “Ғоялар омма миясига жо бўлгач, моддий кучга айланади”, дейилганидек, журналист бўлиш истаги тизгинсиз куч билан мени дорилфунунга етаклаб келди. Журналист бўлиш учун фақат билимнинг ўзи жуда камлик қилади. “Ҳаёт

мактаби”нинг ўрни беқиёс. Назария кучли бўлгани билан, амалиёт оксаса, ишда унум бўлмайди. Яъни, “ақлли бўлиш осон, аммо бунга бошқаларни ишонтириш қийин”. Эсимда: рус тилидан вазифани ниҳоятда ихлос билан, беҳато ёзиб келсам, домла зўрға “кониқарли” баҳо қўйганди. Сабабини сўрасам, “слишком грамотно ёзилган, ўзинг ёзмагансан”, дейди. Ўзим ёзганлигимга домлани ишонтириш учун яна анча ҳаракат қилганман. Бошқа фанлардан ҳам шундай “грамотно” ёзилган рефератларим сабоқдошлар орасида “юриб” кетарди. Эвазига улардан мақтов эшитардим. Бир куни бунинг ҳам “совуғи”ни едим: ҳозиргина мендан кўчирган Ҳазраткул исмли курсдошим, мендан аввал кириб, “аъло” баҳо олиб чиқди. Кейин мен киргандим, домла дафтаримни жаҳл билан олдимга ташлади: “Уялмайсанми кўчиргани?! Ҳозиргина бир дўстинг “5” олди-ку бу иш бўйича! Яна бунинг устига, сўзма-сўз кўчирибсан-а?” Шу топда мен нима дея оламан? Ўзимни оклашдан фойда борми? Индамай чиқиб кетдим. Энг алам қилгани – Ҳазраткул келиб, бир оғиз аҳвол ҳам сўрамагани бўлди. Шу воқеадан анча вақтлар ўтгач, ўринсиз мақтов — ҳақорат билан тенглигига ишондим. Ўринсиз яхшилик — суиистеъмоллик, яъни, курулни душманга топшириш билан тенг экан.

Хокисорлик — инсондаги энг ноёб хислатлардан бири. “Тупрок бўлгин, олам сени босиб ўтсин!” дейишган машойихлар. Бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Кимнингдир қўлидан келса — унинг ҳолига вой! Хокисор бўлсангиз — одамлар хор қилиш даражасига етадилар. Андиша қилсангиз, иззат-нафсингизни поймол қиладилар. Шундан кейин яна хокисорлик, андиша, иймон ҳақида тортинмасдан фалсафа ўқийверадилар, турли мисоллар келтираверадилар. Раҳматли ёзувчимиз Тоғай Мурод айтганидек: “Биродарлар, эл шундай! Эл оғзига элак тутиб бўлмайди! Одамзот шундай! Бор бўлса, кўролмайди, йўқ бўлса, беролмайди!

Шундай экан, одам бўламан десангиз, эл оғзига эътибор берманг! Одам бўламан десангиз, эл гапига парво қилманг! Аммо бепарво-да бўлманг!”

Хуллас, дунёда шундай гаплар тўлиб ётибди. Айниқса бизнинг ўзбекда бундай савдоларнинг саноғи йўқ!

Кимки юкоридаги гапларга қўшилмаса, ёки шубҳа қилса, сира баҳслашмоқчи эмасман. Фақат... бу фикрлар исботини ўз бошида синаб, иқроп бўлгулик қилмасин!

Ўқишга кирганимдан сўнг, худди булутларда сузгандек кишлоғим кўчаларида хушҳол юрардим. “Ўқишга кирдингми, болам? — деди бир отахон. — Сен барибир ўқиёлмайсан. Деҳқоннинг боласини ўқитишмайди. Кўрасан, олти ойдан кейин қайтиб келасан”. Таъбим бироз хира бўлганди ўшанда. Нега бундай дейди? Бу ҳасадми ёки ўша пайтдаги муҳитга ишончсизликми? Ўртамизда адоват йўқ эди-ку?

“Турмуш ташвишларининг оғир юки остида рамақижон бўлиб кетган вужуд (тана)да рух ҳар доим покиза бўлавермайди. Чарчаган одамлар дунёни ғубор ичида кўрадилар, ҳамма нарсага хуфёна нафрат туйғуси билан қарайдилар. Улар шундай кунга дучор этгани учун тақдирни, бевақт дунёга келтиргани учун ота-онасини, ноқобиллиги учун ўз фарзандларини аямай сўкадилар. Бундай қалбда ҳавас эмас, ҳасад яшайди”. Кейинчалик ёзувчи Ҳаким Сатторийнинг шу фикрларини ўқиб, ҳамқишлоқнинг юқоридаги “башорати”ни тушунгандек бўлдим.

Ўша куни яна бир ҳамқишлоғим, эшон Хайруллахон ўқишга кирганлигимни эшитиб, дуога қўл очдилар. Узоқ дуо қилдилар, эзгу тилаклар билдирдилар. Яхши ниятлар қилдилар. Ишонасизми, ўзимни кушдек енгил ҳис қилдим. Ҳамма гап Яхши Сўзда экан!

Отанинг бир ўғити бор: агар кимнингдир этагидан тутмоқчи бўлсанг, ўзингдан юксак инсонни танла. Шунда сен ҳам юксаласан. Агар “паст” одамнинг этагидан тутмоқчи бўлсанг, ўмбалок ошиб кетишинг мумкин.

Билдимки, одам боласини ҳаётда мол-дунё, бойлик ҳам, юксак амал-мартаба ҳам тутиб турмайди. Ҳаётнинг тиргаги — Яхши Сўз ва Яхши Ният экан.

Болаликдаги ниятларнинг ижобатига келсак, тақдир тақозоси билан, ҳарбий ҳам, журналист ҳам, сиёсий шарҳловчи ҳам бўлдим. (Ҳарбий илм даргоҳида “Сиёсатшунослик”дан дарс беряпман). Мактабда тарих ва географияга қизиққанлигим ҳам энди ўзини эслатапти: Соҳибқирон бобомиз салтанати бўйлаб сафарга чиқиш орзуси борган сари “бош кўтаряпти”.

Балки бу режа, кўпчилик айтганидек, хаёлий бир орзудир? Шундай бўлса-да, бу орзунинг илк натижаси бўлган ушбу китоб кўлингизда турибди, азиз ўқувчи.

І қисм

СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТИГА САФАР

*Амир Темур бизнинг шон-шавкатимиз,
зурур-ифтихоримиздир. Амир Темур
халқимиз даҳосининг тимсоли,
маънавий қудратимиз рамзидир.*

Ислом КАРИМОВ

“Фасийрув фил арди фанзурув осороллоҳ”, яъни “Ер айланиб саёҳат қилинглари, унда учраган нарсаларга ибрат кўзи билан қараб фойдаланинглари”, деган Қуръон амрича, ҳимматлик илм эгалари, миллатсевар Ватан ўғиллари имконият борида ички-ташқи, айниқса хорижий мамлакатларни сайр-саёҳат қилиб, улардан ҳар ёқлама ибрат олишлари, албатта лозимдур. Бошқаларни кўриб уйғонмоқ, улардан улгу олиб ҳимматлари кўзғалмоқ каби ишлар эса, инсоният оламида бўлиш имконияти бордур”¹.

Улуғ Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг бой тарихини ўрганиш учун ҳар қанча сафар қилса, бу йўлда керак бўлса, қаҳрамонликлар кўрсатса арзийди. Негаки, *“Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуг сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду-ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни ечишда бизга қўл келаятган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ”*².

Шундай мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кўнгилда бир сафар режаси туғилди. Аслида “Соҳибқирон ва жаҳон” деб номланган илмий-ижодий сафарга чиқиш орзуси кўпдан бери бор эди. Аввалига ўқтин-ўқтин “хуруж” қилиб турган бу орзу, охириги пайтда хаёлдан кетмай қолди. Режани қоғозга туширдим. Сафар йўналиши ҳазрат Соҳибқирон салтанати таркибига кирган ва унинг сиёсати етган барча мамлакатлар бўйлаб ўтади. Сафар босқичма-босқич ёки бир йўла амалга оширилиши мумкин. Йўлда тўсиқлар, ҳатто хавф-хатарлар

¹ Алихонтўра Соғуний. “Туркистон қайғуси”.

² Ислом Каримов. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференциядаги маъруза, 1996 й. 24 октябрь.

хам учраши табиий. 1995 йилда велосипедда юртимиз бўйлаб илк сафаримда бу борада муайян тажриба тўплдим. Аммо бутун Евро-Осиё қитъаларини кезиб чиқиш учун бу тажриба етарли эмас. Шунга яраша тайёргарлик кўриш ва “сафар жабдуғи”ни ҳозирлаш даркор. Эзгу ният йўлида ўрни келганда таваккал ҳам қилиш керак.

Маълумки, ҳазрат Соҳибқироннинг доврўғи бутун дунёга ёйилган. Ҳатто океан ортида — АҚШдаги машҳур Метрополь музейида бобомизнинг хос ашёлари сақланар экан. Демак, бо-бокалоннинг дунёга ёйилган буюк меросини ўрганиш ва тарғиб этиш ҳақиқий темурий авлодларга хос вазифадир.

Сафардан асосий мақсад Соҳибқирон ва унинг даврига оид ҳар қандай маълумотларни тўплашдан иборат. Шунингдек,

— турли давлатларнинг музейларида ва шахсий коллекционерлар қўлида сақланаётган, Соҳибқирон ва унинг даври, умуман Ўзбекистон тарихига оид осори-атиқаларни бориб кўриш, уларнинг имкон қадар тўлиқ рўйхатини тузиш, фотосуратларини олиш ва ёзма тавсифлаб бериш;

— борилажак давлатларда Амир Темур ва темурийлар томонидан барпо этилган меъморий обидаларни зиёрат қилиш, уларнинг тарихига оид маълумотлар тўплаш;

— ўша жойларда сокин топган улуғ валийлар, мутафаккирлар, буюк зотларнинг нурли қабрларини зиёрат қилиш;

— хорижлик тарихчи ва ёзувчиларнинг Амир Темур ҳақидаги асарларини йиғиш;

— сафар давомида ўтилган давлатлардаги одамлар ва одатлар ҳақида, қисқача тарихи ва бугунги куни, табиати ва бошқа диққатга сазовор жойлари ҳақида ҳикоя қилиш;

— ўша мамлакатларда яшовчи ватандошларимиздан Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги маълумотлар, ҳикоя ва ривоятларни ёзиб олиш кўзда тутилган.

Сафар йўналиши куйидаги манзиллар бўйлаб ўтади: Ўзбекистондан “Ғишткўприк” божхона пости орқали чикқач, Қозоғистон бўйлаб энг аввало Ўтрор томон йўл олинади. (Соҳибқирон бобомиз энг сўнгги, Хитой сафари чоғида вафот этган манзил). Сўнгра Туркистонга бориб, Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси зиёрат қилинади. Ундан сўнг Қизил Ўрдага ўтилади. Тарихдан маълумки,

Қизил Ўрда Қўқон хонлигининг савдо-сотик ва ҳарбий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга шимолий қалъаси ҳисобланиб, аввалги номи “Оқмачит” бўлган. Оқмачит тўғрисида чор Россиясининг генерал-адъютанти А.Перовский шундай ёзган: “Бу қалъа Қўқон хонлигида Сирдарёнинг қуйи оқимидаги энг муҳим қалъаларидан ҳисобланиб, бир неча ҳужумларни мардонавор қайтарган ва енгилмаслиги билан шуҳрат қозонгандир”.

Алмати, Остона ва бошқа шаҳарларда Амир Темур ҳақида ривоятлар, янги маълумотлар йиғилиши мумкин. Олий ўқув юртларида учрашувлар ўтказилади. Шундан сўнг сафар Соҳибқироннинг 1391 йилда Тўхтамишга қарши юришга чиққан йўли бўйлаб давом этади. Бу йўлдан ўтган Соҳибқирон, Улуғтоғ этагида ҳарбий кўрик ўтказиб, катта тошга сафар ҳақида битик ёзиб қолдиришни буюрган. Бу тош ҳозир Эрмитажда сақланади. Соҳибқирон бобомизнинг музаффар лашкари Қундузча деган манзилда Тўхтамишхон қўшинини пароканда қилиб, ғалаба қозонади. Ушбу юриш натижасида салтанатнинг шимолий сарҳадлари хавфсизлиги таъминланган. Бундан ташқари, В.В.Бартольд, М.С.Соловьев, А.Ю.Якубовский каби рус шарқшуносларининг эътироф этишларича, Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан ғалабаси фақат Ўрта Осиё ва Шарқий Оврўпо учунгина эмас, балки Россия учун ҳам улкан аҳамият касб этган. Жанг бўлиб ўтган ўша Қундузча деган манзил Россиянинг ҳозирги Самара шаҳри билан Чистополь ўртасида жойлашган.

Сафар Россия Федерацияси бўйлаб, Волгабўйидан Татаристонгача (тарихий Олтин Ўрда ҳудудларида) давом эттирилади. “Қариялар ўзбекларнинг “Эл нўғой”дан, “Дашти кипчок”дан келганини сўзлайдурлар. Демак, бизга ўзбекнинг эски юрти бўлгон Жойик ва Идил бўйлариға ҳам бориб, унинг эски изини излаш керак бўладир”. (Ғози Олим Юнусов. (1893—1938) “Ўзбекларда эл таниш иши” мақоласидан).

Уфа яқинидаги Акзират деган манзилда Соҳибқирон амирларидан бир нечасинининг мақбаралари сақланиб қолган. Уларни зиёрат қилиш ва ўрганиш керак. Москва остонасидаги Елец шаҳри бориб кўрилади. Баъзи тарихий манбаларда Соҳибқирон бобомиз ўзининг музаффар қўшини билан Елец деган манзилгача борганлиги айтилади. Москва музейларида юртимиз тарихи билан боғлиқ

экспонатларни кўриш, уларнинг тарихини имкон қадар ўрганиш сафар дастуридан ўрин олган. Масалан, “Оружейная палата”да Хива хонининг ноёб тахти ва тарихимизга оид бошқа жуда кўп буюмлар сақланади. Имкон бўлса, албатта бориб кўриш керак. Москвадаги Алишер Навоий ҳайкали зиёрат қилинади.

Санкт-Петербургдаги Эрмитажга ташриф буюрилади. Эрмитажда юртимиз тарихига оид тарихий бойликларнинг санаб саноғига етиш мушкул. Масалан, Амир Темур мақбарасининг фил суяги билан қадама нақшланган улкан, нодир эшиклари, мақбаранинг нақшинкор ойнаси, мақбара пештоқидаги нафис ёзувли лавҳа (унда “Жаҳонгир Амир Темур Кўрагонийнинг қабри, Худо уни раҳматли қилсин ва абадий жаннатда бўлсин”, деган ёзувлар бор), Амир Темурнинг 1391 йили Тўхтамиш устига қилган юриши ҳақида ёзув битилган тош ҳам Эрмитажда сақланади.

Шундан сўнг сафар йўналиши Болтиқбўйи давлатлари бўйлаб (жумладан, Рига шаҳридаги Мирзо Улуғбек ҳайкали ҳам зиёрат қилинади) ўтиб, Оврўпога йўл олинади...

Германиялик темуршунос олим Клаус Пендер, профессорлар — Ингебор Балдауф ва Зигрид Клайнмифел (ўзбек тили бўйича мутахассислар) билан учрашилади. Машҳур Дрезден суратлар галереясида Шарқ миниатюралари, юртимиз тарихи ва Соҳибқиронга оид суратлар кўрилади. Ғарбнинг машҳур мусаввири Рембрант Соҳибқирон суратини ишлаган экан. Ҳозир шу сурат қайси давлатда ва музейда (ёки кимнинг шахсий коллекциясида) сақланётганини аниқлаш, имкон бўлса бориб кўриш керак.

Оврўпода Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг мухлислари ҳозир ҳам кўплаб топилади. Ана шундайлардан бири — голландиялик бир тадбиркор ҳақида эшитганим бор эди. У ўзининг дўконини “Амир Темур” деб номлаб, бобомиз даврига мос жиҳозлар ва осори-атиқалар билан безаган. Албатта, бундай инсонлар ва уларнинг ишлари билан танишув сафарнинг асосий мақсадларидан биридир.

Францияда, Париждаги “Темурийлар жамияти” ва “Темурийлар” журнали фаолияти билан танишиш, Профессор Люсьен Керен (кекса одам, ғанимат!) билан учрашиш эса қоларли бўлади. Профессор Люсьен Керен ўз ҳаётини Амир Темур шахси ва темурийлар сулоласи тарихини ўрганишга бағишлаган. У Париж Шарқшунослик



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/120> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/120> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/120>